



ХАҚ ҚЎШИҚЛАРИ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Тўхтасин Ибодович Ражабов

БухДУ.Муסיқа таълими кафедраси доценти

Аннотация: Мақолада узлуксиз таълим тизимида ўтиладиган муסיқа дарсларида ўқувчи ёшларда миллий тафаккурни шакллантириш, халқ қўшиқлари уларни ижро услубларидан фойдаланиши ва бу қўшиқлар орқали болаларни она ватани унинг қўшиқларига бўлган меҳрини ортириши ва тахлили.

Калит сўзлар, Куй, қўшиқ, ижро халқ ижоди, болалар фольклори ижроси, маҳаллий услуб, таълим тарбия, тахлил.

Калит сўзлар: общее среднее образование, музыкальное образование, национальная музыка, фольклорные песни.

Халқ донишмандлигининг кўзгуси бўлган ўзбек халқ муסיқа мероси ўзининг тарбиявий имкониятлари билан бошқа санъат турларига нисбатан алоҳида жозибадорлик ва таъсирчанлик касб этади. Халқимиз ўзининг ижтимоий, маънавий тараққиётининг ҳар бир босқичида, унинг турфа кўринишлари, урф-одат ва маросимларига атаб жуда кўплаб қўшиқлар намуналарини яратишган. Бу эса узок ўтмишдан маданий ва маърифий жиҳатдан ўзига хос анъанага айланиб келган халқ ҳаётининг турли қирраларини бадиий эстетик ифодаси сифатида анъанавийлик асосида авлоддан- авлодга ўтиб, ёшлар тарбиясига бевосита ёки билвосита кучли, бадиий-эмоционал таъсирини кўрсатиб келган.

Республикамызда мавжуд таълим тизимининг барча босқичларида бўлгани каби умумий ўрта таълим мактабларида муסיқа таълими ва тарбияли имкониятларидан кенг фойдаланишга қаратилган илмий-тадқиқий ишларга табиий равишда эътибор қаратилиб келинаётганлиги диққатга сазовордир. Мазкур йўналишдаги илмий изланишлар таркибида умумтаълим мактаблари муסיқа маъносининг ўзига хос фаолият турлари бўйича олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишларнинг ўзига хос ташкилий-услубий асосларини узлуксиз такомиллаштириб бориш, уни дарс ва синфдан ташқари фаолиятлар уйғунлигида йўлга қўйиш орқали юқори самарадорликка эришиш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутди.

Умумтаълим мактабларидаги муסיқа таълими ва тарбияси соҳасидаги янгиланиш ва ўзгаришлар кўламини илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, мактаб «муסיқа маданияти» фанини ўқитилиши жараёнида ўқувчиларни муסיкий назарий ва амалий ижрочилик кўникма ва малакаларини шакллантиришга қўйилган ижтимоий буюртмалар бу ишларни синфдан ташқари фаолият билан узвий ҳолда олиб бориш, уларни ягона мақсадга мослаштиришни таъминлаш, шу асосда таълим сифати ва мазмунини такомиллаштириб бориш билан кутилган натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Халқ донишмандлигининг гўзал, бадиий-эстетик кўриниши бўлган ўзбек халқ муסיкаси ҳамма замонларда ҳам кишиларни маънавий, ахлоқий, эстетик, шу билан бирга миллий-



маданий анъаналаримизга, қадриятларимизга содиқдик, ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда беназир восита бўлиб келган.

Таълим-тарбия жамиятни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ривожланиши ҳамда мустақамлигини таъминловчи омил бўлиб, унинг миллий негизини яратишда биринчи навбатда халқимизнинг жуда бой ва ўзига хос миллий – маънавий қадриятларига таяниш зарурлиги ва шу асосда уни шакллантириш И.Каримовнинг янги жамият қуриш йўлида яратган асарлари ҳар томонлама асослаб берилди. Жумладан, «Юксак маънавият - енгилмас куч»асарида мусиқа санъатининг ёшлар тарбиясида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида шундай дейлади: «Энг муҳими бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънаият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда»

Ёшлар таълим-тарбиясида миллий-маънавий ғояларни акс этиши халқимизнинг асрий орзуларининг амалга ошишини инъикоси ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан қараганда халқимизнинг муайян тарихий босқичларини, ижтимоий-иқтисодий, маънавий турмуш тарзи, ҳаётий фалсафаси ва руҳиятини ўзида мужассам этувчи халқ мусиқа мероси мазмунида миллий ғоя ва мафқуранинг энг муҳим тенденциялари мужассамлашганлигини кўриш мумкин.

Халқ мусиқа меросига мансуб турли жанрларда яратилган намуналарни ўрганиш, ғоявий, бадиий мазмунини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларда Ватан, Она табиат, инсонга меҳр-муҳаббат, тинчлик адолат, энг олий инсоний фазилатлар: ҳалоллик, тўғрилиқ, одоб-ахлоқ, соф муҳаббат, Ватан равнақи, эл манфаати учун ўзини сафарбар этиш ғоялари тараннум этилади. Манна шундай бадиий эстетик қимматга эга санъат асарлари ёш авлодни миллий ғоя ва мафқура руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шундай экан, республикамизда амал қилаётган таълимнинг барча бўғинларида ўқувчи-ёшларни миллий мусиқа меросимизнинг энг нодир намуналари – халқ кўшиқлари, ашулалари, мумтоз ва мақомлари билан чуқур таништириб бориш, шу орқали миллий онг, миллий мафқура, юксак маданиятни шакллантириб боришга долзарб вазифа сифатида қаралганлигини эътироф этиш ўринлидир.

Бундай иш тутиш биринчидан, таълимнинг миллий негизини мустақамлашга хизмат қилса, иккинчидан, ўсиб келаётган ёш-авлодни миллий ўзликни теранроқ ҳис этишларига, уучинчидан, уларни миллий ғоя ва мафқура руҳида тарбиялаш имкониятини оширишга олиб келади. Бу эса, таълимнинг энг муҳим шакллантирувчи босқичи бўлган умумтаълим мактабларида мусиқа фани бўйича ўқув дастурлари ва дарсликлари ва дарсликлари репертуарига киритилган куйлаш, тинглаш, ўрганиш ва ижро этиш учун тавсия этилган асарларни қайта кўриб чиқишни, ўзбек халқ кўшиқлари, ўзбек халқ мусиқасининг маҳаллий услубларига хос айтимлари, мавсум ва маросим кўшиқлари ҳамда мумтоз ва мақом санъатига тегишли билим, тушунча ва малакаларни шакллантиришга мўлжалланган ўқув материалларини маълум синф ва чорак мавзулари доирасида чекланиб қолмаслигига эътиборни қаратиш, нисбатан анча мураккаб, профессионал ижод маҳсули бўлган мумтоз мусиқага оид куй-кўшиқларни синф ва синфдан ташқари жараёнлар узвийлигига ўрганиб борилишига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ўзига хос педагогик шарт шароитларни, халқ мусиқа ижодиёти хусусан мумтоз ва мақом мусиқасига бағишланган ўқув материалларини синфлар кесимида ҳамда ўқувчиларнинг имкониятлари доирасида берилишига, уларнинг ҳажмини кенгайтириш, мазмунини янада



бойитиш, ўқув соатлари миқдорини ҳам кўпайтиришни тақозо этади. Таълим тизимининг энг муҳим бўғини ҳисобланмиш умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсларида ўқувчи- ёшларни мумтоз ва мақом, халқ мусиқа фольклори намуналари билан изчил ва мақсадли таништириб боришнинг асли мазмунида ўсиб келаётган ёш авлодни асрлар оша ўз бадиий қимматини йўқотмай келаётган нодир бойликларининг қадрига етиш, уларни асраб аввайлаш, мукамал ўрганиш ва янги талқинлар билан бойитиш ҳамда келгусида ворислик қилишга тайёрлаш масалалари ётади.

Айтиш жоизки, ўзбек халқ мумтоз кўшиқ ва ашулалари негизида халқ оғзаки ижоди ёки мумтоз шеърийатга дахилдор матнлар ётади. Мумтоз адабиёт вакиллари томонидан яратилган шерий асарлар юксак ижод намуналари сифатида халқимиз томонидан эъзозланиб келинади. Уларнинг бадиий асар сифатида юксак истеъдод ва илхом меваси эканлиги, улар мазмунида ифодаланган умуминсоний ғоялар, илоҳий ишқ таърифи баён этилган лирик кечинмалар, нозик ҳамда соф ишқни улуғловчи ҳис-туйғулар, тасвир ва ташбеҳлар, ўхшатиш, ранглар тасвири ҳар қандай киши қалбида ажиб ҳиссиётлар ва нафосот туйғуларини уйғотади. Бу каби шеър ва ғазалларга басталанган куй орқали мусиқанинг сеҳрли таъсири уйқунлашиб инсон ҳиссиётига кучли эмоционал таъсир этиши билан эстетик тарбиянинг ғоят кучли, бетакрор воситалардан бирига айланади. Биз мумтоз мусиқа орқали мусиқий-эстетик таълим ва тарбияни ташкил этишнинг педагогик асосларини ўрганиш юзасидан изланишлар олиб бориш жараёнида шунга амин бўлдики, умумтаълим мактабларида мумтоз мусиқа мавзусида дарсларни ташкил этилиши, ўтилишида бир қатор ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд эканлиги аниқланди. Булар энг аввало қуйидагиларда кўринади:

1. Умумтаълим мактабларда фаолият олиб бораётган кўпчилик мусиқа ўқитувчиларини ўзбек мумтоз ва мақом мусиқаси бўйича етарли даражада малакавий тайёргарликка эга эмасликлари.
2. Мумтоз мусиқага оид асарларни назарий ва амалий ўзлаштириш жараёнини сифат ва самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган махсус методикани ишлаб чиқилмаганлиги ва амалиётга тадбиқ этилмаганлиги
3. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг психологик, физиологик ёш хусусиятлари, амалий ижрочилик имкониятларига кўра тавсия этилган асарлар репертуари шакллантирилмаганлиги
4. Мактаб мусиқа таълимида мумтоз асарларни қуйлашга нисбатан тинглашга устивор аҳамият берилишига кўра махсус фонотека, кўргазмалар ва техник воситалар билан таъминланмаганлиги
5. Мумтоз мусиқа мавзусидаги дарсларни педагогик, методик, дидактик жиҳатдан саамарали ташкил қилиш бўйича тажрибаларни оммалаштирилмаганлиги ва махсус методик қўлланмаларни яратилмаганлиги.

Ушбу муаммоларни ижобий ҳал этилиши умумтаълим мактабларида ўзбек мумтоз кўшиқчилиги санъати билан ўқувчи –ёшларни ҳар тамонлама чуқур таништириб бориш, уларда халқ мусиқасига ҳурмат, меҳр-муҳаббат ҳамда ўрганишга бўлган иштиёқини кучайтиришга, шу орқали ёшларни миллий ғоява мафкура руҳида тарбиялаш шларини самарали кечишига имконият яратади. Хуллас, халқ оғзаки ижодида салмоқли ўрин эгаллайдиган кўшиқлар фақат қуйлаб ижро этишга мўлжалланган билан ижрочи ва тингловчиларнинг диққатига тез тушади. Ҳатто аксарият кўшиқлар ўйин (рақс) воситасида маълум бир чолғу асбоби ёрдамида ижро этилиши жиҳатидан ҳам эътиборга



моликдир. Болаларга ёшлигидан мусиқа санъатига бўлган қизиқишини, меҳрини оширишида, мусиқий дид, билим ва тушунчалар доирасини шаклланишида халқ кўшиқлари ўзининг соддалиги, ихчамлиги, ўйноқлиги, куйлашга қулайлиги туфайли жуда қўл келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. JB Sattorovna, SN Oxunjonovna, NK Chuliboevna, RT Ibodovich. Basics of Uzbek Children's Reading. Test Engineering and Management 81 (11-12), 4207-4214.
2. ТИ Ражабов. Тематическая классификация узбекской детской народной музыки и игр. Наука, образование и культура, 61-63.
3. ТИ Ражабов, УР Ибодов. Обеспечение национального наследия в обучении песням бухарского детского фольклора на уроках музыки. Вестник науки и образования. Стр. 55-58.
4. MB Kh, TI Rajabov, FG Nurullaev. Teaching Bukhara children folk songs in music lessons as an actual problem. International Journal of Psychosocial Rehabilitation 24 (04), 6049-6056.
5. ТИ Раджабов. Описание вековых ценностей в песне "тутовое дерево-балх" и его место в воспитании учащейся молодежи. Россия-Узбекистан. Международные образовательные и социально-культурные. Стр. 70-71.
6. ТИ Ражабов. Педагогические возможности использования детских фольклорных песен в духовно-нравственном воспитании младших школьников. Вестник науки и образования. Стр. 34-37.
7. ТИ Ражабов. тическая классификация узбекской детской народной музыки и игр (3 (47)), 61-63.
8. T Rajabov. Educational importance of folk songs in primary education. Web of Scientist: International Scientific Research Journal 1 (01), 72-79.
9. T Ражабов. Формирование и развитие узбекской народной лирики. Вестник института культуры детства 20 выпуск Материалы Всероссийской. Стр. 170-176.
10. Т.И Ражабов. Мактабда мусиқа таълимида фольклор кўшиқларининг ўрни. Тошкент давлат педагогика университети. Илмий-назарий ва методик журнал. Стр. 122-126.
11. T.I Rajabov, OR Ibodov. O'zbek Xalq Musiqa Merosda O'quvchilarni Vatandarparvalik Ruhida Tarbiyalash Vositasi. Ижтимоий Фанларда Инновация онлайн илмий журнали 1 (6), 139-145.
12. R.T Ibodovich. The educational significance of children's folk songs in music culture lessons.
13. Т.И Ражабов. Ўқувчи-ёшларга ўзбек миллий мусиқа фольклори намуналари воситасида эстетик тарбия бериш. Science and Education 2 (11), 1094-1103.
14. ТИ Ражабов. Усовершенствование научно-методических возможностей обучения бухарским детским фольклорным песням в средней общеобразовательной школе. Наука, техника и образование, 84-86.
15. TI Rajabov. Uzluksiz talimda folklor qo'shiqlarini ijro etishhig o'ziga xos uslublari.



Scientific progress 1 (5) Стр. 581-585

16. ТИ Ражабов. Умум ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсида эркалама кўшиқларни ижро этиш хусусияти. (1-4 синфлар. Modern scientific research journal. International Scientific Journal. ISSUE ...
17. ТИ Ражабов. Описание вековых ценностей в песне “Тутовое дерево - балх” и его место в воспитании учащейся молодёжи. Международные образовательные и социально – культурные технологии: векторы ...
18. ТИ Ражабов. Бухоро болалар фолькор кўшиқларини ўргатиш орқали укувчиларни маънавий ахлокий тарбиялаш. “Бухоро Шашмақоми: тарихий-назарий ва амалий масалалари”, 2 бет.
19. ТИ Ражабов. Тасаввуф илмининг жамият тараққиётига таъсири. The universal significance of scientific-spiritual heritage of khojacon ...
20. ТИ Ражабов. Изучение узбекских фольклорных народных песен и их психологической влияние. Вестник института культуры детства Материалы Всероссийской научной ... Стр. 149-152.
21. Т Ражабов. Бухоро муғанийлари. Монография.
22. Т Ражабов. Халқ кўшиғи ва мусиқа ижрочилиғи. Илмий рисола.
23. D Razhabov, T Razhabov. Формирование и развитие узбекской народной лирики formation and development of uzbek folk lyrics. ББК 74. 484ж (о) М 431, 207.
24. ТИ Ражабов. Ўзбекистон этнографиясининг бугунги кундаги ахамиятида жаҳон олимларининг ўрни. “Олий таълимда дарсдан ташқари машгулотлар –талабаларнинг касбий ... Стр 149-151.
25. Ражабов Т. Тўраев Ф. Мусиқага фидойи устоз. Бошланғич таълим., 3 бет.
26. Ражабов Т. Самарали ижод соҳиби. “Санъат фарзанди” Рисола. Бухоро давлат университети Мусиқа таълими ... Стр. 60-64.
27. Ражабов Т. Миллий меърос мазмунида маданият ва санъат тараққиёти (Бухороча софи ош мисолида). Стр. 65-69.
28. Ражабов Т. Мусиқий фольклор-ёшлар тарбия воситаси сифатида. Тошкент Давлат Педагогика Университети илмий ахборотлари, 274-277.
29. Rajabov To'xtasin Ibodovich. Aesthetic education of students through national values (on the example of bukhara children's folklore). European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 11, 2020 Part II ISSN 2056-5852. Стр. 237-240.
30. Ражабов Т. Мусиқа дарсида Бухоро болалар фольклор кўшиқларини ўргатишда ворисийликни таъминлаш. Modern scientific research journal. International Scientific Journal. ISSUE ...